



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 13 июнь, № 119 (7349) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Парламент ҳаёти

### Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга оид қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида янги қонун лойиҳалари кизгин муҳокама қилинмоқда. Улар суд-ҳуқуқ, экология, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб масалаларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Жиноятчиликка қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Этироф этиш жоизки, юртимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида жиноятчилик кўрсаткичи 2017 йилда 16 фоиз, 2018 йилда эса 33,5 фоиз камайган. Аммо соҳада олиб борилаётган шу каби ижобий ишларга қарамадан айбланувчи, яъни судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни, шу жумладан, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Бугунги кунда оғир ва ўта оғир жиноят содир этиб, тергов ҳамда суддан яширинган қидирувдаги шахсларнинг салмоғи юқориликка эришди, — дейди фракция аъзоси Саттор Раҳматов. — Натижада содир этилган жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ва жабранувчиларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қидирувдаги шахсларни қидириш учун катта куч ҳамда воситалар жалб этилаётгани амалдаги қонунларга тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо қилмоқда. Янги қонун лойиҳаси шу каби бўшлиқларни тўлдирishга ва соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



## Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қўмаклашувчи комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш комиссия раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Ниғматилла Йўлдошев олиб борди.

Унда комиссия аъзолари, Бош прокуратура, суд тузилмалари, бир қатор вазирилик ва идоралар вакиллари иштирок этди. Тадбирда Судлар фаолиятининг молиялаштирилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Молия вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, суд органларининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда одил судловнинг сифатини тубдан ошириш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Яқинда комиссияга соҳа муаммоларини бартараф этиш юзасидан тизимли ёндашув ва молиялаштириш барқарорлигини таъминлайдиган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини киритиш лозимлиги таъкидланди.

Мунисхон **КАРИМОВА** («Халқ сўзи»).

323 тадан 607 тагача, яъни 87,9 фоиз кўпайтирилди ҳамда судьялар сони ошди. Шунга қарамай, мутасадди ташкилотлар томонидан айрим ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда сусткашликка йўл қўйилгани алоҳида қайд этилди. Айниқса, суд идораларининг автотранспорт парки ҳолатини яхшилаш, судья ва суд ходимларига иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, судлар фаолиятини молиялаштириш масалаларида бу кўзга яққол ташлангани.

## Қишлоқ хўжалиги инновациялари

### соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида агросаноат мажмуи учун замонавий ускуна ва технологияларнинг “Uzbekistan Agrotech Expo — 2019” ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг “Uzbekistan Agromash Expo — 2019” халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари иш бошлади.

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



Бу йилги кўргазмаларнинг бирлашган экспозициясида жаҳоннинг 20 га яқин мамлакатларидан

**197** та компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Иқтисодий-ижтимоий соҳалар, sanoat тармоқлари раванки кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги истиқболлига чамбарчас боғлиқ. Зеро, аграр соҳанинг тараққий этиши қўшимча тармоқлар ривожига кенг йўл очади. Шу боис юртимизда мазкур жаҳага илғор инновациялар, тежамкор технологияларни жалб этиш, ноанъанавий усулларни ўзлаштириш ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада соҳада барқарор ўсиш суръатлари таъминланяпти. Биргина 2018 йилда умумий қиймати 15 миллиард АҚШ долларилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга муваффақ бўлингани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.



## Халқ вакиллари ўз номига муносиб фаолият юритяптими?

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятини, аниқроғи, сусткашлигини қаттиқ танқид остига олди. Утган икки йил давомида улар ҳеч қандай ташаббус билан чиқмаган, яъни иши фақатгина қўл кўтариб, Кенгаш қарорларини тасдиқлашдан иборат бўлгани таъкидланди.

### «Туман Кенгаши депутатини танимайман...»

Самарқанд вилоятининг Окдарё туманидаги “Пахтаобод” МФЙ Мустақиллик қишлоғидаги 194 та хўжаликда 1300 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ туманининг Даҳбед кўрғонидан, нари борса, 5-6 километр узоқликда жойлашган.

ўтказилганига қарийб беш йил бўляпти. Сайловларда ҳар бир депутат ўз сайловчиларига худуддаги муаммоларни ҳал қилиш ҳамда одамлар ҳаётини янада яхшилашга ваъдалар бергани аниқ. Аммо амалда буни кўрмаяпмиз.

“Халқ сўзи” мухбирлари жойларда аҳоли билан учрашиб, уларнинг ўзи сайлаган депутатни қанчалик билиши, халқ вакиллари билдирилган ишонччи нечоғлиқ оқлай олаётгани ҳақидаги саволлар билан муурожаат қилишди.

## Мушоҳада

“Адолат” социал демократик партияси аъзоси Фароғат Шарипова ана шу худуддан туман Кенгашига сайланган. Хўш, депутатни қишлоқ аҳолиси, яъни унинг сайловчилари танийди-ми? Депутат халқ вакили сифатида қачон ўз сайловчилари билан суҳбат ўтказган? Одамларни қийнаб келаятган муаммоларни уйма-уй юриб ўрганганими?

Ф. Шарипованинг Мустақиллик сайлов округидан сайлангани ҳақидаги маълумотни туман ҳокимлиги расмий веб-сайтидан олдик. Унинг телефон рақами сайтда кўрсатилмагани боис, ҳокимликнинг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари билан боғланишга бир неча бор ҳаракат қилдик. Афсуски, барча уринишимиз бесамар кетди.

Маҳалла аҳлига юқоридаги саволлар билан юзландик. “Пахтаобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси котиби Бахтиёр Раҳматов куюнчақлик билан қуйидагиларни айтди:



## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида уйга муҳтож мингдан зиёд фуқаролар рўйхатга олинган. Яқин йилларда уларнинг барчасини босқичма-босқич тураржойлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

### Самарқандда яна 37 киши уйли бўлди

Кунги кеча 37 нафар юртдошимиз ана шундай гамхўрликдан баҳраманд бўлди. Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар шаҳарчасидаги Шукрона маҳалласида бунёд этилган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар ногиронлиги бўлган, кам таъминланган ва эҳтиёжманд фуқароларга тантанали равишда топширилди. Шу муносабат билан таъминланган Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.



Самарқанд шаҳар ҳокимлиги маълумотига кўра, янги тураржойлар соҳибдорларнинг 35 нафарига “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, 2 нафарига вилоят касба уюшмалари кенгаши томонидан 25 миллион сўмдан пул банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Шунингдек, қурилиш ташкилотлари ҳам ҳомийлик ёрдамларини кўрсатди. Уйли бўлганларнинг аксарияти ишлаш истагини билдиришди. Шу боис уларнинг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам ижобий ҳал этилади.

### Йиллик қуввати 40 миллион дона

Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги Чўболончи қишлоғида йилига 40 миллион дона тиббиёт момиги ва стерилланмаган бинт ишлаб чиқариш қувватига эга корхона фаолият бошлади.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллиард 370 миллион сўмни ташкил этади. Корхонага хориждан 987 миллион сўмлик дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Ишчи-хизматчилар учун ҳам барча шaroит яратилган.

— Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизга ички ва ташқи бозорда талаб катта, — дейди “Elinza” фирмаси раҳбари Йўлдош Эрназаров. — Тайёр маҳсулотни, асосан, Россия Федерациясига экспорт қиламиз. Йил охиригача яна 10 та қўшимча иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

«Халқ сўзи».

### Сара маҳсулотлар, турфа тақдимотлар ва муваффақиятлар эътирофи



## «Ташаббус — 2019»

Инновацион ишланмалар, илғор ташаббус ва замонавий маҳсулотлар майдони. Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус — 2019» кўрик-танловининг худудий босқичларига ана шундай таъриф бериш мумкин. Чунки унда тадбиркору ишбилармонлар, фермерлар ва хунармандлар энг сара маҳсулотларини намойиш этапти.

Хусусан, пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 44 нафар тадбиркор ва хунарманд қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, улар томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар турфа хил, ички ва ташқи бозорда харидоргир. Масалан, иштирокчилардан бири Сергели туманидаги “Original Textile and Print” масъулияти чек-

ланган жамияти бўлиб, бу ерда “Bonito Kids” бренди остида ишлаб чиқарилаётган кийим-кечақлар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Италия, Япония, Германия каби давлатлардан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада йилига 3 миллион дона кийим-кечак тайёрланади. Шунинг 70 фоизи экспортга йўналтириляпти.



## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР



## БИШКЕК САММИТИ

### ШХТ жараёнида яна бир марра нуқтаси бўлади

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 13-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити бўлиб ўтади. Унинг кун тартибига кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари устувор йўналишлар сифатида киритилган. Мухим воқеа арафасида хитойлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда “Шанхай руҳи”ни ривожлантириш бўйича тайёрланган туркум материалларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



**ТАФАККУР ЖАВОҲИРИ**  
Саводли бўла худуд китоб ўқимазан кишининг саводсиздан фарқи йўқ.  
Марк ТВЕН





### Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга оид қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда

Қонунчилик палатасидаги ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси йўналишида депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш доирасида кўриб чиқди...

## Халқ вакиллари ўз номига муносиб фаолият юритяптими?

сонда бўлсаям, ҳол сўраб туришди. Кишлоғимиздан сайланган депутатни умуман танмайман. Бирор марта ҳам маҳалламизга келиб, ўз сайловчилари билан учрашганини кўрмаганман, буни эслолмаяман...

да келиб, энди нимани қойиллашди, деган мулоҳаза ўтди хаёлан. Афсус... Хўжақўрсинга ишлаш кимга керак? Қўпчилигимиз депутат деганда чиroyли бўйинбоғ тақиб, йиғишларда расмий қиёфада ўтирадиган шахсни тушундирган бўлиб қолгандик...

аҳоли билан ваколат муддати, яъни беш йил давомида, ақалли бир марта бўлса ҳам, учрашмаган. Маҳаллий аҳолининг дарду таъшишлари билан қизиқмаган. Фуқароларнинг эса ўз депутатлари айтadиган гаплари бисёр...

нимаيمان, — дейди ушбу фуқаролар йиғинида яшовчи Мастуроҳон Акбарова. — Биз билан суҳбатлашса, эшик қоқиб келса, кейин танйимиз-да. Фикримча, депутат ўз худудидаги муаммоларни илҳий хал этишда бош-қош бўлиши ва бизнинг номимиздан шу каби масалаларни мутасаддиларга олиб чиқиши керак эди...

## Кишлоқ хўжалиги инновациялари соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда

Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги вазирлиги вазир Ходжаевнинг айтишича, бу йил 21 миллион тонна маҳсулот етиштириш қўзда тутилган. Зеро, аграр соҳани диверсификация қилиш борасида кўрилатган амалий чора-тадбирлар муваффақиятли йил сайин мустаҳкамлаш имконини бермоқда...

Таъкидлаш керакки, қайта ишлашни чуқурлаштириш, амалиётга замонавий технологияларни жалб этишда аънанавий равишда ўтказиб келинаётган ихтисослаштирилган форумларнинг нафи катта. Масалан, бу йилги кўргазмаларнинг бирлашган экспозициясида жажоннинг 20 га яқин мамлакатларидан 197 та компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда...



ҳаридорги бўлиб бораёпти. Хозирги пайтда саркили ва қайта ишланган маҳсулотларимизни Норвегия, Таиланд, Индонезия, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Саудия Арабистони, Словакия, хатто Бразилиядаги супермаркетларда топши оддий ҳолга айланмоқда. Бинобарин, чет эллик истеъмолчиларга ўтган йили қиймати 889 миллион долларлик 1,25 миллион тонна маҳсулот этказиб берилган бўлса, 2019 йилнинг беш ойида 577 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди...

### Ўқув-семинар

## Маҳалла раислари дастлаб тест синовлари топширади, кейин...

Жорий йилнинг май ойида юртимиз бўйлаб маҳалла раислари сайловлари юқори савияда, демократия тамойиллари асосида ўтказилди. Албатта, бу жараёнда маҳалла муаммоларидан яхши хабардор бўлган, одамлар бошини қовуштириш оладиган, ташкилотчилик қobiliятига эга, аҳоли хурмати ва этиборини қозонган номзодларга ишонч билдирилди. Аммо улар бу янги вазифада тўғридан-тўғри ишлаб кета оладими?

Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги вазирлиги вазир Ходжаевнинг айтишича, бу йил 21 миллион тонна маҳсулот етиштириш қўзда тутилган. Зеро, аграр соҳани диверсификация қилиш борасида кўрилатган амалий чора-тадбирлар муваффақиятли йил сайин мустаҳкамлаш имконини бермоқда...

### Изданиш

## Гидропоника усули афзаллиги

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Турон томатос" маъсулияти чекланган жамиятининг 2 гектарлик иссиқхонасида мавсумда 300 тоннадан ортиқ помидор етиштирилмоқда. Гидропоника усули қўлланилгани тўғрисида маълумот беришди ва салмоғи ҳам ошиб бораёпти. Помидорнинг асосий қисmini экспорт қилиш режалаштирилди.

### Адолат хонадонимизга қувонч олиб кирди

Ён-атрофидагиларга меҳр-оқибат кўрсатиш, йиқилганни суяш, адашганни тўғри йўлга бошлаш — инсонийликнинг юксак намунаси. Ушбу мезонлар Президентимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган адолатпарвар сиёсатнинг туб моҳиятини ташкил қиладики, бу афлатқур тимиз, балки халқаро майдонда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

### Ўзбекистон болалари дунёдаги тенгқурларига эзгулик ва бахт тилади

Жорий йилги соғломлаштириш мавсумида мамлакат микёсида 1067 та болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг 224 таси стационар турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлиб, 843 таси соғломлаштириш майдончаси ҳисобланади. Бу рақамлар жорий йилда фаолият кўрсатувчи стационар оромгоҳлар сонни ўтган йилдагига нисбатан қарийб 20 тага кўпайганидан далолат берибди.

### Дил сўзи

Ўзбекистонимиздаги янгилинишлар, инсон манфаати ва ҳақ-ҳуқуқига бўлган муносабат ўзгараётгани хонадонимизга ҳам чексиз қувонч ва бахт олиб кирди. Кўп йиллар мобайнида адолат элаб сарсон-саргардон бўлган одамнинг ҳуқуқи қисқа фурсатда тикланиши, унинг қайноқ ҳаётга қайталиши, элу юрт, одамлар олдида юзи ёруғ бўлиши беқиёс...

### Сана

Унда мутахассислар томонидан турли ёшдаги болажонларга мазкур сананинг моҳияти интерактив усуллар орқали тўшунтириб берилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг охириги маълумотларига қўра, дунё бўйича 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган...

Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) иштирокида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "Баркамол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "12 июнь — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кuni"га бағишланган тадбир ўтказилди.

### Санд РАҲМОНОВ «Халқ сўзи»

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказида "Иллатларга қарши курашдаги" мавзуда ижодий ишлар танловининг шахар босқичи ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академияси томонидан "Wupnam" меҳмонхонасида атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳомла-ларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

### Наманган туманидаги "Meppung Farm" маъсулияти чекланган жамиятининг навбатдаги ишлаб чиқариш мажмуаси иш бошлади.

Ин-фузион эритмалар, кўз томчи-лари, протлак ҳамда шиша ампулаларда инъекцион эритмалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги цех лойиҳаси Президентимизнинг 2017 йил июль ойида вилоятга ташриф чоида тақдим этилган эди.

### Халқ сўзи.

баркамол бўлиб улғайиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Юртимизда болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Тадбир доирасида болалар учун махсус тайёрланган тематик фильмлар ва роликлар намойиш қилинди. Уғил-қизлар ўртасида "Дунё болаларига бахт ва умид" мавзуда ташкил этилган расмлар, куй-қўшиқ ва шеърлар танловлари, бола ҳуқуқлари борасида виқториналар ўтказилди. Яқунда болажонлар бутун дунёдаги тенгқурларига эзгулик ва бахт тиланиши ҳамда мурғак қалб эгаларининг урушиши ва зиддиятларсиз ҳаётга бўлган умидлари тим-соли сифатида сомога юзлаб ранг-баранг шарлар учирдилар.

### Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати.



Қарор ва ижро

Маърифатли инсон Ватанга садоқат туйғуси билан яшайди

Бугун жаҳонда гоъвий-мафкуравий курашлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шу жараёнлар ёш авлод тақдирига, камолотига ҳам жиддий таъҳид солаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айни шу зарурат туфайли қабул қилинди.

Қолаверса, маънавий-маърифий тарғибот ёшларимизда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, сийёсий-ҳуқуқий онгини ўстириш, маънавий-маърифий тафаккурини юксалтиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда вазирилик ва идоралардан тавсия қилинган номзодлар, давлат ҳамда жамоатчилик вакиллари, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат махсус тарғиботчилар гуруҳи шакллантирилди.

Куни кеча Ёшлар ижод саройида ўтказилган тадбирнинг тарғиботчиларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, меҳнатлари эътироф этилиши ҳамда келгусида "Маънавият фидойиси" кўрак нишонини олиши, шубҳасиз, уларни янада фаол ва фидойи бўлишига ундайди.

Феруза АЗИМОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси.

Сара маҳсулотлар, турфа тақдимотлар ва муваффақиятлар эътирофи



Хунармандлик ишлари ҳам бири-бирдан қолишмайди. Қўл меҳнати билан ясалган буюмлар, ёғочозлик, нақшошлик намуналари ҳар қандай кишининг хайратини оширади.

«RoboCUP» мусобақаси ғолиблари ажойиб имкониятларга эга бўлди

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилиги, Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улугбек жамғармаси ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида юртимиздаги иқтисодий ва робототехника соҳасида ташкил этилган «RoboCUP» телевидио мусобақаси якунига етди.

Рағбат

Беллашув робо-сумо ҳамда робо-футбол йўналишида 16 ёшгача бўлган болалар ҳамда 16 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилди.

«Camp» оромгоҳига йўланмани қўлга киритди.

Робо-футбол йўналишида «Just robotics» жамоаси ғолиб, деб топилди. Жамоа аъзолари Ҳабибуллоҳ Ақромжонов ва Асрорхўжа Ганихўжаев Турин политехника университетига кириш имтиҳонларида имтиёздан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Yodic Production» МЧЖ раҳбари Рустам Бўриев топилди. Чилонзор туманилик Насиба Исакова эса «Йилнинг энг яхши хунарманди», дея эътироф этилди.

Танловнинг Андижон вилояти босқичи ҳам қизгин тус олди. Зеро, иштирокчиларнинг ҳар бири бизнесда ўз ўрнига эга, қўллаб-қўлланган қўлга киритган илгор ишбилармон, фермер ва хунармандлар ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг танловда қатнашаётганлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар қаторига инновацион технологияларни қўллаган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган фермерлар, халқ амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган усталар ва хунармандлар қўшилипти.

«Халқ сўзи».

Носиржон Мадраҳимов «Йилнинг энг яхши фермери», Асака туманилик Ёқитой Уринбоева «Йилнинг энг яхши хунарманди» дея тан олинди.

«Ташаббус — 2019» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи Олмалик шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида бўлиб ўтди.

Кувонарлиси, танловда қатнашаётганлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар қаторига инновацион технологияларни қўллаган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган фермерлар, халқ амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган усталар ва хунармандлар қўшилипти.

Фаолиятимизни бошлаганимизга 10 йилдан ошди, — дейди Охангарон туманидаги кўп тармоқли «Карим Абдували Ёдгор» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Каримов. — Муваффақиятга эришиш учун астойдил меҳнат қилиш, ўз ишини сидқидилдан бажариш лозим. Ҳозирги кунда маҳсулотларимизни хориз давлатларига экспорт қилиш учун барча имкониятларимиз бор.



Танлов натижаларига кўра, «Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича Чирчиқ шаҳридаги «Milk Euro Food» МЧЖ директори Андрей Данков, «Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналишида Қибрай туманидаги «Флавлесс Тее» тиббиёт маркази раҳбари Нодира Раззоқова амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган усталар ва хунармандлар қўшилипти.

«Халқ сўзи».

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЭЪЛОН!

2019/2020 ўқув йили учун ўқув қуроллари харид қилиш юзасидан тендер савдоларининг лотлар бўйича ғолиб ва захира ғолиби, деб топилган корхона ҳамда ташкилотлар рўйхати

Table with 3 columns: T/p, Ғолиб ва захира ғолиби, деб топилган корхона ҳамда ташкилотларнинг номи, Корхона ва ташкилотларнинг юридик манзили. It lists various lots (1-LOT, 2-LOT, etc.) and the winning/best bidder companies and their addresses.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг Марказий моддий-техник таъминот базаси

2019 йил 10 июндан 19 июнгача бўлган муддатда куйидаги товар-моддий бойликлар хариди (нақд пулсиз ҳисоб-китоб асосида) бўйича танлов ўтказилиши эълон қилади.

Ушбу танловда мазкур предметларни ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, илгари ҳам шу каби товарларни тегишли ҳажмларда етказиб бериш тажрибасига эга бўлган субъектларнинг қатнашиши афзал ҳисобланади.

- 1. Танлов комиссияси ишчи органининг манзили: ЎЗР МВ Марказий МТТ базаси — Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 71-294-52-76, 90-949-04-15.
2. Танлов ўтказиш предмети:

Table with 4 columns: №, Товар номи, Ўлчов бирлиги, Сони, Битта бирлик учун энг юқори нарх (сўм). It lists items like medals and sports equipment with their quantities and prices.

Танловда қатнашиш учун тақлифларни тақдим этишнинг сўнги муддати — 2019 йил 19 июнь, соат 19.00. гача. Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00. дан 18.00. гача куйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилиш мумкин: 71-294-52-76, 90-949-04-15.

- 3. Товарларни етказиб бериш бўйича тақлифлар лот ҳажми доирасида тақдим этилади. Махсулот сифати ГОСТ ва маҳсулотга қўйилган техник талабларга мос бўлиши керак.
4. Етказиб бериш шартлари: буюртмачининг куйидаги манзилда жойлашган омборига — Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор аҳоли пункти.
5. Товарни етказиб бериш муддати — етказиб бериш жадвалига кўра. Қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида, шунингдек, суд ёки арбитраж муҳокамаси босқичида бўлган ташкилотлар билан шартнома тугатилади.
Танлов ҳужжатларига тўловни амалга ошириш учун банк реквизитлари: «ЎЗР МВ Марказий МТТ базаси» Ҳисоб рақами: 23404000305050805317 МБ ББ Тошкент шаҳри бўйича МКМ МФО: 00014, СТИР: 207 293 568. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга нарх бўйича енгиллик берилади.

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ

ПГИ, ГДИС ва қудуқ ичида канат ишларини бажариш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун тендер ўтказилишини маълум қилади

Тақлифлар сўрови № АР-6/19. Буюртмачи/ташкilotчи — «ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ. Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш тартиби — электрон почта орқали e-mail: KBelov@nestro.ru

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ

Жанубий Оламушук, Хартум, Шарқий Хартум конларида геофизик тадқиқотлар ва отиш-портлатиш ишларини бажариш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун тақлифлар сўрови ўтказилишини маълум қилади

Тақлифлар сўрови № АР-7/19. Буюртмачи/ташкilotчи — «ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ. Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш тартиби — электрон почта орқали e-mail: KBelov@nestro.ru

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ

Жанубий Оламушук, Хартум, Шарқий Хартум конларида қудуқларни ўзлаштириш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун тақлифлар сўрови ўтказилишини маълум қилади

Тақлифлар сўрови № АР-11/19. Буюртмачи/ташкilotчи — «ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ. Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш тартиби — электрон почта орқали e-mail: KBelov@nestro.ru

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гўлбаҳор Йўлдошевнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси олий мактаб Хореография кафедраси профессори, Ўзбекистон халқ артисти Кундуз МИРКАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.





# БИШКЕК САММИТИ

## ШХТ жараёнида яна бир марра нуқтаси бўлади

**ШХТ жаҳон иқтисодиёти тараққиётига кўп томонлама изчил ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш орқали ҳисса қўшмоқда**  
**МАХСУС РЕПОРТАЖ**



**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзининг 18 йиллик санасини Қирғизистон пойтахти Бишкекда нишонламоқда. Ўтган вақт мобайнида мазкур ташкилот барқарор ва соғлом руҳда ривожланди.**

ШХТнинг илк олти аъзоси — Хитой, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан кейин 2017 йилда яна икки мамлакат — Ҳиндистон ва Покистон қўшилди. Ҳозирги вақтда ШХТда 8 та аъзо-давлат, 4 та кузатувчи-давлат ва 6 та мулоқот учун ҳамкор-давлат фаолият юритмоқда. Ўз фаолиятининг 18 йиллик давомида ушбу ташкилот жуғрофий ва аҳоли сони жиҳатидан дунёдаги энг йирик тузилмага айланиб, Евросиёнинг бешдан уч қисмини ва дунё аҳолисининг қарийб ярмини қамраб олди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти йўлга қўйилганидан буён Хитой билан бошқа ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо айланмаси 20 баробар ортди, 2018 йил якуни буйича 12 миллиард АҚШ долларидан 255 миллиард АҚШ долларига етди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг яппи ички маҳсулотини дунё мамлакатлари билан қиёслаганда 20 фоиздан ошади.

ШХТ бундай муваффақиятга қандай эришди? Жаҳон оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, ташкилотнинг мисли қурилмаган даражада ривожланишига асос “ҳамкорлик” деган калит сўзининг мавжудлигидир. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро майдонда мултилатерализм — ташки иқтисодий муносабатларнинг ҳимоячиларидан бирига айланди. Унинг механизмлари ҳар бир мамлакатга барча шериклар билан муносабатларда тенг имтиёزلарга эга бўлиш имконини бераётди. Айнан ШХТ билан алоқаларни йўлга қўйиш давлатларнинг янада гуллаб-яшнаши ва жойибдорлигини оширишга кўмаклашмоқда. Мисол учун, узоққа боришга ҳожат йўқ: 18 йил ичида Хитой дунёдаги иккинчи йирик иқтисодиётга эга мамлакатга айланди, Россия ўз миллий иқтисодиётининг қайта тикланиши учун аниқ тенденцияни намоян қилди, Қирғизистоннинг ялпи ички маҳсулоти тўрт баробар ошди...

Ушбу ютуқлар ШХТга аъзо давлатларнинг доимий сайёҳлик ва кўчмачиликнинг самарасидир. Ташкилот доирасида давлатлар икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликдан сезиларли фойда олган ҳолда, сўнгги йилларда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга кўпроқ интилоқда.

қаси буйича “IHS Markit” тадқиқот маркази бош иқтисодчиси Раджив Бисваснинг таъкидлашича, ШХТ саммити икки томонлама ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожланиётган мамлакатлар билан муносабатларни мустақамлашда янги ва муҳим платформани яратиб бераётди.

Ўтган йилнинг июнида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида Хитой томони мезбон шаҳарда ШХТ мамлакатлари учун мунаввий савдо-иқтисодий ҳамкорлик зонасини қуришни таклиф қилди. Бу

нинг устувор йўналишига айланди.

Маҳаллий таҳлилчилар таъкидлаганидек, Хитой ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар кўп томонлама манфаатли ҳамкорликдан фойдаланиб, халқаро иқтисодий алоқалар позициясини қўллаб-қувватламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий кўрсаткичлар ШХТга аъзо мамлакатларнинг қарорлари самарадорлигини тасдиқлади.

Халқаро валюта жамғармаси апрель ойи буйича жаҳон иқтисодиёти ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида 2019 йилда глобал иқтисодий ўсиш прогнозини 3,3 фоизга туширди. Ўз навбатида, Хитой прогнозини 6,3 фоиз ўсишга етказишни маълум қилди. “Ассошиэтед пресс” ахборот агентлиги Хитой иқтисодиёти биринчи чоракда барқарор бўлганини қайд этиб, импорт талаби юқорилиги глобал иқтисодий фаоллиқни рағбатлантиришга ёрдам беришига эътибор қаратди.

2018 йилда Россия билан Хитой ўртасидаги савдо ҳажми 100 миллиард АҚШ долларидан ошгани тарихий рекорд ҳисобланади. Худди шу йили Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажмининг сезиларли ўсиши кузатилди. Прогнозга кўра, бу ўсиш тенденцияси жорий йилда ҳам изчил давом этади.

Шуни таъкидлаш жоизки,

**18 йил давомида фаровонлик, хавфсизлик ва имкониятларни кенгайтиришга интилди, натижада савдо йўналишлари тобора кенгайиб, маблағ ва товарларнинг мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракат қилинишига имкон яратилди.**



2018 йилнинг сентябрь ойида ХХР Раиси Си Цзиньпин “Ипак йўлининг иқтисодий белбуги” ташаббусини илгарига сурди ва бу воқеа ШХТга аъзо мамлакатлар томонидан тезда ижобий баҳоланди. ШХТнинг деярли барча иштирокчи давлатлари “Бир макон, бир йўл” бўйлаб жойлашган бўлиб, бу ҳолат икки томонлама ва кўп томонлама прагматик ҳамкорликни чуқурлаштиришда табиий танловга айланган. Мегалойиҳанинг бир қисми сифатида ШХТ аъзолари ўз савдоларини энгиллаштириш, икки томонлама сарможаларни изчил ривожлантириш, иқтисодий ва савдо соҳасида ҳамкорликни кучайтириш, автомобилсозлик, темир йўллар, туннеллар ҳамда энергетика соҳасидаги дастурлар ва бошқа бир қатор инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда иш олиб бормоқда.

Осиё — Тинч океани минта-

жаҳон савдосининг пасайиши билан бир вақтда ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ҳам бир неча баравар ортмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин таъкидлаганидек, одамлар юрадиган йўллар кенгроқ бўлади. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар 18 йил давомида фаровонлик, хавфсизлик ва имкониятларни кенгайтиришга интилди, натижада савдо йўналишлари тобора кенгайиб, маблағ ва товарларнинг мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракат қилинишига имкон яратилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нисбатан навқирон ёшда бўлса-да, унинг аъзолари ва ҳамкорларидан жуда кўп нарсани ўрганди. Ташкилот фойдали тажриба алмашишга тайёр ва бошқаларнинг муваффақиятидан мамнундир. Дунё тараққиёти худди ШХТга ўхшаш тузилмалардан барча жараёга ижобий ёндашишни талаб қилади.

**МУНОСАБАТ**

Си Цзиньпин:  
**ШХТ — халқаро муносабатларда янги алоқаларни шакллантириш учун фойдали платформа ҳисобланади**

**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро муносабатларда янги алоқаларни шакллантиришда фойдали бўлади. Бу ҳақда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин «ТАСС» ва «Российская газета» нашрига берган интервьюсида алоҳида айтиб ўтди.**

Чунончи, Си Цзиньпин икки давлат ўртасидаги муносабатлар хусусида сўз юритар экан, ШХТнинг 18 йиллик фаолияти давомида Хитой ва Россия ўзаро ҳамкорлики мустақамлаш йўллари мувофиқлаштириб, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш, та-

раққиёт ва фаровонликни оширишни ташкилотнинг узлуксиз ривожланиши ҳамда мустақамланишига кўмаклашади.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг фикрича, ШХТ доирасида икки давлатнинг ўзаро муносабатлари, биринчи навбатида, “Шанхай руҳи”ни ри-

вожлантиришда ўзига хос ўрин тутади.

— “Шанхай руҳи”: ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маслаҳат, маданий хилмаҳилликни ҳурмат қилиш, умумий ривожланиш истаги — ана шулар ШХТнинг асосий ғоясидир, — деди Си Цзиньпин.

— Хитой ШХТга аъзо-давлатлар билан биргаликда турли цивилизациялар тўқнашуви, “совуқ уруш” ва бошқа салбий қолипдан воз кечиб, конструктив ҳамкорликни, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, адолат ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйди, — дея таъкидлади ХХР Раиси.

— Ўтган йили Циндао саммитида томонлар янги тарихий босқичда ШХТни ривожлантириш режасини ишлаб чиқдилар, — деди Си Цзиньпин. — Бишкекда ўтадиган саммит ШХТ жараёнида яна бир бурилиш нуқтаси бўлади. Хитой барча аъзо мамлакатлар билан бирдамлик, ўзаро ишонч ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлаш учун биргаликда ҳаракат қилишга тайёр.

**ШХТ Бош котиби:**  
**«Бир макон, бир йўл» ташаббуси иштирокчи давлатларнинг биргаликда ривожланишига кенг имкониятлар яратади**

**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Владимир Норов Пекин шаҳрида ШХТ котибиятида ўтказилган брифингда «Бир макон, бир йўл» ташаббусининг амалга оширилиши иштирокчи мамлакатларнинг биргаликда ривожланиши учун қулай имкониятлар яратишни таъкидлади. «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси ШХТнинг максадлари, вазифалари ва тамойилларига тўлиқ мос келади.**



— Шунинг учун ШХТга аъзо давлатлар кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириб, савдо тартиб-қоидаларини соддалаштириш йўли билан ўзаро савдо учун ҳуқуқий базани мустақамлашга интилоқда, — деди ташкилот Бош котиби.

Бундан ташқари, В. Норов ШХТ томонидан хавфсизлик соҳасида эришилган натижалар ҳақида ҳам сўз юритди.

— ШХТ Минтақавий ақсилтерор тузилмаси сайёҳ-ҳаракатлари билан хавфсизликка таҳдид ҳисобланадиган қурашчи трансконтинентал магистраль чорраҳасига айлантиришда кенг иштирокчи мамлакатларнинг мувофиқлаштиришга кўмаклашмоқда, — деди у.

Маълумки, шу йилнинг 13-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши-

нинг 19-мажлисида иштирокчилар ШХТни ривожлантириш истиқболлари, хавфсизлик, иқтисодий, савдо-сотик ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни мустақамлаш, йирик халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилиш юзасидан фикр алмашадилар.

— Саммит доирасида минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишни кучайтириш, ахборот технологиялари соҳаси, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва спорт йўналишларида алоқаларни йўлга қўйиш бўйича ҳужжатлар тўпلامي имзоланиши кутилмоқда, — деди В. Норов.

Бош котибининг фикрича, Бишкек саммити ШХТ доирасида кўп тармоқли ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида ҳисса қўиши, шубҳасиз.

Реклама ҳуқуқлари асосида.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. БаҳоСИ келишилган нарҳда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташкилотнинг кўләмлари таърих қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навирият-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.**  
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов.  
Навбатчи — Д. Содиқов.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббеков.

«Шарқ» навирият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6